

ЁҚУТ РАҲИМОВА

Ғ У Р У Р

Ҳикоялар

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент—1979



«Ғурур» Ёқут Раҳимованинг илк тўплами. Унинг ҳикояларида тиниқ туйғулар, ҳаётдаги кутилмаган бурилиш нуқталари, бахт қувончи ва дўстлик туйғулари қаламга олинади. Ёқут Раҳимова аёл қалбининг назик кечинмаларини илғаб, уни ҳаққоний тасвирлашга интилади. Ёш адибанинг бу интилиши сизга манзур бўлса ажаб эмас, азиз китобхон.

11

Р 70363—85 63—79 4702570000
356 [04]—79

309756

© Издательство «Ёш гвардия»—1979

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИИ

БОЙЧЕЧАК

Нурилла эшикдан шошилиб кирди-ю, у хонадан-бу хонага югуриб, хотинини излади. Гулбаҳор ошхонада хамир қораётган экан.

— Гули, бўл!— деди шошилиб унинг ёнига кираркан.— Йиғиштир, бу нарсаларнигини!

— Ҳа, тинчликми?— деб сўради Гулбаҳор унинг ҳовлиқишидан аразлаганини ҳам унутиб.

— Тинчлик. Бўл, отлан! Болаларни ҳам отлантир! Қишлоққа борамиз! Бойчечак очилибди!

Гулбаҳор эри жиддий гапираётганидан кулиб юборди.

— Қизиқ одатларингиз бор-да,— деди қўлини юзаетиб.— Кетдим дейсиз-у, кетаверасиз...

— Ҳа, шунақа... мен нима истасам шу бўлади,— деди Нурилла мамнун кулимсираб.

Гулбаҳор эрининг бундай одатларига кўникиб қолганди. Эри истаган пайтида хоҳлаган томонга кетар, ҳеч нимани ўйлаб ўтирмасди. Кўнгли тусаган ишни қиларди.

— Ўзингиз кетавермайсизми, бизларни судраб нима қиласиз?— деди Гулбаҳор истамайгина.

— Эй... сен уни қадрига етмайсан-да,— деди Нурилла ўз хонасидан унинг олдига чиқиб.— Бойчечак беш градус совуқда ҳам, беш градус иссиқда ҳам ўлади. У қор кетиши билан чиқади. Бир ҳафтадан кейин қарасанг, йўқ... ўлади... Уни фақат ҳозир кўриш керак... Болаларга ҳам кўрсатамиз. Шу эсида қолади.

Гулбаҳор қўлини артиб, шоша-пиша болаларини кийинтирар экан, Нурилла бойчечакни мақташини қўймасди:

— Сен ҳали уни билмайсан-да... Қўрмагансан ҳам... Шоирлар шеър ёзади, артистлар қўшиқ айтади, бойчечак деб. Лекин ўшаларнинг ўзи ҳали бойчечакнинг очилганини кўрган эмас. Мана, мен сизларга кўрса-таман...

— Кимдан эшита қолдингиз бойчечак очилганини,— деди хотини уйга кириб кета туриб.

— Болалардан Неъматлар келишибди,— деди Нурилла. Шундай дедн-ю, эрталаб хотини билан ораларида бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеани эслади.

Кеча Хоразмдан университетда бирга ўқиган ўртоқлари келишганди. Ишдан кейин шулар билан чақ-чақлашиб, ресторанда ўтирди. Рестораннинг ёпиладиган пайти яқинлашгач, официанткага яримта ароқ билан коньяк, иккита бутун товуқ буюриб, меҳмонхонага чиқишди. Меҳмонларнинг хонасида «ҳангома»ни яна ярим кечагача давом эттиришди.

Нурилла уйга қайтганда тонг ёришай деб қолганди. Бир-бирларини роса соғинишган экан. Туни билан гаплашишса ҳам гаплари сира адо бўлмасди.

У оёқда зўрга тургани учун туфлисини ҳам ечмай, тўғри ўз хонасига ўтиб кетди. Хонага кираверишда икки-учта кўк ҳошияли қийиққа боғланган тугунлар турарди. Нурилла уни йўқлаб, қишлоқдан келишганини пайқади. У хотинининг одатини биларди. Гулбаҳор қишлоқдан келгувчиларни кўпда ёқтирмас, уни кўргани келганлардан ҳеч бирининг номини атамасди. Энсаси қотиб, «қишлоқдан келишди», деб қўя қоларди. Шу сабабданми, улар олиб келган нарсаларга ҳам қўл урмасди. Бу одат ундан болаларига ҳам ўтганди. Уйидан телефон қилиб қолишса, уч яшар ўғли Тўрабек ҳам трубкани олиб, «қишлоқдан келишяпти», дерди.

Нурилла ҳар нарсага хотини билан аччиқ-тизиқ бўлаверишни ўзига эп кўрмас, кўп масалаларда кўнглини кенг қилиб, муомала қиларди.

Хотинининг яна бир одати бор эди. Агар Нурилла

бирор кун ошна-оғайнилари билан қолиб, уйига кеч келса, хотини бир ойлаб аразлаб юрар, унинг хонасига кирмас, у ҳатто ишга кетаётганида ҳам чойини ўзи дамлаб, ичиб кетарди. Бугун ҳам шундай бўлди.

У ишга кета туриб, хотинидан қишлоқдан ким келганлигини сўрамоқчи бўлди-ю, унинг қовоғини уюб олганлигини кўриб, индамади.

Эрталаб ишхонасига қишлоқдаги яқин дўстлари — совхоз парткоми Неъмат Зикиров билан ўрмон хўжалигининг директори Омонилла Умаровлар кириб келишди. Улар ишдан кейин яна ресторанда тўпланишди. Нурилла кўпдан бери ўз қишлоғида бўлмаган, уни бениҳоя соғинганди. Шунинг учун дўстлари унга қадрдон қишлоғининг ҳавосини олиб келгандек туюлди. У гап мавзуини ҳадеб қишлоққа, у ердаги янгиликларга бурарди.

— Ҳа, дарвоқе, Неъматилла, бойчечак очилдими?— деб сўраб қолди бирдан Нурилла. У Неъмат билан болаликдан бирга бойчечак териб катта бўлган, мактабни ҳам бир синфда, бир партада ўтириб битиришган эди.

— Эй... сен сўрама...— деди Неъмат бошнини орқага ташлаб, кўлини силтаркан.— Шунақаям очилганки... У ёққа қарасанг ҳам бойчечак, бу ёққа қарасанг ҳам бойчечак... Ҳаммаёқ бойчечак...

Нурилланинг бирдан юраги ёниб кетди. «У ёққа қарасанг ҳам бойчечак, бу ёққа қарасанг ҳам бойчечак...» У Неъматнинг бу гапидан довдираб қолганди. Унинг кўз олдида яна она қишлоғи жонланди. Жипор тепа... Йўл бошидаги каллакланган бир жуфт қўштут... Йўлнинг икки тарафида эса бодраб-бодраб очилган оқ-сарик бойчечаклар...

Энди ошналарининг гапи Нурилланинг қулогига кирмас, унинг фикри ёди бойчечакда эди. У ресторан-дан чиқди-ю, хотинининг аразлаганини ҳам унутиб, тўғри уйига шошилди.

«Ўзи ҳамма аёллар аразчи бўлишади», деди йўлда

ўзига-ўзи. У Гулбаҳорнинг аразлашларига ўрганиб қолганди. Гулбаҳор ҳатто янги танишган, университетда бирга ўқиб юрган пайтларида ҳам тез-тез аразлаб турарди. Шулардан иккитаси сира-сира Нурилланинг ҳаёлидан кетмайди.

Ушанда тўртинчи курсда ўқишарди. Нурилла университетдаги драма тўғарағига қатнашар, Гулбаҳор ҳам шу тўғаракка аъзо эди. Уларнинг тўғарагини атоқли драма театри ўз оталиғига олган бўлиб, унга республикага донғи кетган артистлар раҳбарлик қилишарди. Бир куни тўғаракларида «Отелло» спектаклини сахналаштирадиган бўлишди. Тўғарак раҳбари Нуриллада ўзига ўхшаш томонларни кўриб ҳайратда қолди. Унинг қуюқ қора қошлари, жиддий кўз қарашлари, айниқса кишининг диққатини ўзига жалб қилувчи салобатли овози унинг ўзига жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Шундай қилиб, «Отелло» ролини Нурилла ўйнайдиган бўлди. Дездемона ролини эса, филология факультетининг талабаси — Гулбаҳор ижро этарди.

Гулбаҳор ёшлигида нозикдан келган, оппоқ, сочлари жингалак, ўзи ҳам кўриниши каби нозик табиат қиз эди. У ҳамиша чит кўйлак кийиб юарди. Нурилла қишлоқда ўсган эмасми, унга ана шу чит кўйлаги жуда ёқарди. Гулбаҳор айниқса, ролга кирганида яна ҳам очилиб, чиройли бўлиб кетарди.

Нурилла ҳам келишган, барваста қоматли йигит бўлиб, савлат тўкиб юриши билан барча қизларни маҳлиё этарди. Икковлари ҳам спектаклда ўз ролларини маҳорат билан, берилиб ижро этишарди.

Бир куни спектакль намойиш қилинишидан олдин Гулбаҳор Нурилла билан аразлашиб қолди. Спектаклда ўйнашдан икковлари ҳам бирдек бош тортишди. Лекин уиверситетда ҳеч ким Отелло билан Дездемона ролини уларчалик ижро этолмасди. Тўғарак раҳбарлари бир амаллаб уларни ўйнашга кўндиришди.

Шу куни Нурилла Гулбаҳорга тикилиб, ҳайрон бў-

либ қолди. Гулбаҳор бугун ролни бўлакча бир кайфиятда, шундай жозиба билан ижро этардики, уни кўриб Нурилла бутун хафалигини унутди. Спектакль тугагач, пардоз хонасига ўтиб кетаётган Гулбаҳорни қўлидан ушлаб, тўхтатди.

— Бугун кетиб қолмагин, хўпми?— деди кўзларига тикилиб.

Афтидан Гулбаҳор ҳам уни кечирганди.

— Хўп,— деди у жилмайиб.

Улар кечқурун ресторанда узоқ ўтиришди. Ушанда Нурилла ёлғиз ўзи квартирада турарди. Ресторандан чиқишгач, Гулбаҳорни ўз квартирасига олиб кетди. Кейин кичкинагина тўй қилишди. Орадан бир йил ўтгач, қизлари Гулноза туғилди. Бир куни улар яна аразлашиб қолишди. Бу сафар аразлашишлари узоққа чўзилди. Нурилла бошқа жойдан квартира олиб, чиқиб кетди.

Биринчи май байрами яқинлашмоқда эди. У байрамни бирга ўқийдиган ҳамқишлоқ дўстлари Азимжон, Назрулла, Сатторлар билан бирга ўтказадиган бўлди.

Байрам куни эрталаб Анҳор устидаги кўприкда Қизил Майдон томон шошилаётган одамларни кузатиб, ўртоқларини кутарди. Бир пайт уларга кўзи тушди. Ҳу, йўлкада ўзиникилар кўринишди. Азимжон, Назрулла, ўртада Гулбаҳор, Саттор эса Гулнозани кўтариб олган, кулиб келишарди. Нурилла уларни кўриб, ғалати бўлиб кетди. У шундагина қизини жуда ҳам соғинганлигини ҳис этди. Гулбаҳор эса хурсанд, улар билан гаплашиб келарди. Гулноза яқинлашишлари билан «Дада!» деб қичқирганича ўзини отасига отди. Нурилланинг юраги ўйнаб, кўзларидан ёш чиқиб кетди. У Гулнозани бағрига босаркан, ўртоқларидан миннатдор эди. Ҳаммалари биргалашиб, байрамни ўтказишди.

Мана, шундан бери ҳам кечагидек ора-чора аразлашиб туришади. Лекин энди бу узоққа чўзилмайди...

Нурилла шу куни болаларини олиб, тунги поезд билан Қаршига жўнади. У қишлоғига Қарши орқали ўтмоқчи эди. Гулбаҳор эрининг қишлоғига кўп борганди. Лекин бунақа пайтда, баҳор чиқиши олдидан сира бормаганди.

Улар Қаршида Нурилланинг бирга ўқиган, асли бир қишлоқлик Шариф исмли оғайписиликига тушишди. Уни мактабда ҳазиллашиб, «Шариф бева» деб чақиришар экан. У ҳозир Қаршида катта вазифада ишлар экан.

Нурилла йўл-йўлакай «Шариф бева»нинг қилиқларини эслаб, гапириб кетди. Кечқурун ушоққина, аммо хушчақчақ «Шариф бева»нинг «Газиги» уларни Пахтаободгача элтиб қўядиган бўлди. Пахтаободдан қишлоқларигача яна машинада беш-олти соат йўл босишлари керак эди.

Нурилла қишлоққа телефон қилиб, бораётганини дўстларига айтди. Уни Пахтаободда дўстлари — Азимжон ва Назрулла машина билан кутиб оладиган бўлишди. Улар кечқурун рошпа-роса соат саккизда Пахтаободда бўлишлари керак эди. Гулбаҳор бора-боргунча «миқ» этмади. Соат саккиз бўлишига оз вақт қолган, йўл эса ҳалл анча олис эди.

«Ҳечқиси йўқ, улар бизни соат тўққизгача кутишадди», деб далда берарди Нурилла хотинига. Аммо, ўзи ҳам ичиди: «Ростдан ҳам кечиксак, улар изларига қайтиб кетишса, болалар билан қаерда қоламиз», деб қўрқар, аммо хотинига сездирмасди. Шофёр уларнинг шошилаётганларини билиб, машинасини қанчалик шитоб билан ҳайдамасин, барибир бир соатча кечикишаётган эди. Нурилла дўстларининг бир соатдан ортиқ кутолмасликларини биларди. Чунки, улар яна қишлоққа қайтишлари керак, йўл эса узоқ эди.

Нижоят, улар Пахтаободга кираверишдаги ГАИга яқинлашишди. Узоқда, йўл четида қорамтир «Жигули» машинаси кўринди. Нурилла шофёрга машинасини худ-

ди ўша машинанинг олдида тўхтатишни буюрди. «Газик» тўхташи билан «Жигули» ичидан иккита йигит сакраб тушишди. Нурилла ҳам машинадан сакраб тушиб, улар билан қучоқлаша кетди. Кейин Гулбаҳорни болалари билан машинадан туширишди.

— Хайрият,— дедн Гулбаҳор хотиржам бўлиб, «Жигули»нинг орқасига жойлашаркан.— Етиб келдик-а!

Ҳаммалари машинага ўтиришди.

— Жуда вақтида келдинглар-да, ўзиям. Соат тўққиздан ҳам ошди. Яна битта машина ўтишини кутиб тургандик. Шунда келмасанглар, қайтиб кетмоқчийдик,— дедн Азимжон.

— Ҳа, янга, қийналмай келдингларми, ишқилиб?— дедн Назрулла орқа ўриндиққа қўлини ташлаб.— Жипчалар совқотиб қолишмадимиз? Қорнинглар ҳам тоза очгандир?— у шундай деб олдинга энгашди. Газетага ўроглиқ бир нарсани ўртага қўйди. Кабоб ҳиди димоққа урилди.— Нима қилсак, сизлар келгунча совиб қолмас экан, деб роса бош қотирдик. Кейин поннинг ичига боса қолдик. Қани, олинглар-чи, совиб қолмадимикин?— У бир тишлам гўштни оғзига солди.— Яхши, илиққинна турибди. Қани, Тўрабек, мана буни еб кўргин-чи!— у бир бурда понни юзига гўшт қўйиб, чарчаганиданми, онасининг тиззасида индамай келаётган кичкинтойга узатди. Кейин, яна пастга энгашиб, қўлига бир шиша олди. Қоньяк бўлса керак, пиёлага қип-қизил ичимлик қуйиб, Нуриллага тутди.— Сog-саломат келганинглар учун!

Улар қиттак-қиттак отиб, кабобдан ейишгач, йўлга тушишди.

— Энди бойчечакка борамизми, дадажон?— дедн боядан бери жимгина ўтирган Гулноза дадасига қараб.

— Ҳа, қизим, маиа энди шу амакиларинг бизни тўғри бойчечакка олиб боришади.

— Мен сизларга ажойиб бир нарса олиб келганман,

мана ҳозир...— Назрулла шундай деб қўйишдан бир боғлом бойчечак чиқарди.

— Уҳ-ҳў...— Нурилланинг кўзлари ёниб кетди.— Менга бер! Қаёқдан олдинг?— у бойчечакни дўстининг қўлидан шошиб олиб, димоғига тутди.

— Дада, битта кўрий, менга бериинг...

— Дада, менгаям беринг...

Болалари талашиб қўл узатишди. Нурилла бойчечакларини икки қисмга бўлиб, болаларига берди.

— Ростдап ҳам шунақа кўп очилганми?— деб сўради Нурилла ишонқирамай. У дўстларига бойчечакка келаётганини айтмаса ҳам уни топиб келишганидан хурсанд эди.

— Ҳу, йўлдан териб олдик, сизларни бир севишти-райлик деб,— деди Азимжон.— Нурилла, ўзинг ҳам соғиниб қолгандирсан...

— Эй... сўрама,— деди Нурилла унинг елкасига қўлини ташлаб.— Соғиниш ҳам гапми... Неъмат у ёқ ҳам бойчечак, бу ёқ ҳам бойчечак деганди, шу жинни бўлдим-қолдим-да. Бир кўргим келади дегин. Ҳеч нарса кўзимга кўринмай қолди. Ишм ҳам...

— Ҳа, айтмоқчи, ифор ҳам очилганми?— деди бирдан эсига тушиб. Кейин хотинига юзланди.— Бизда уни жипор дейишади. Биласан-а! Кўрганмисан, уни?

— Ҳа,— деди Гулбаҳор кулимсираб.— Бир кўрган-дим, китобингизни орасида қўриганини...

— Ҳа, баракалла... Ана ўша жипор бўлади. Шолоховнинг китоби ичига солиб қўйгандим. Мана, энди ўша жипорни аслини кўрасан...

— Вой, Нурилла, жипор шундай очилган дегин... Маза қилиб ейсан...

— Эй... Исмалоқни айтмайсанми... Шундай тепалик-ка чиқсанг, иси ҳаммаёқни тутиб кетади...

Гулбаҳор кап-катта одамларнинг қандайдир ўтлар ҳақида бир-бирларига навбат бермай, завқ билан гапиришларидан, ундан қандайдир ҳузур олишаётганидан

хайратланарди. У умрида бу ўтларнинг биронтасини кўрмаган. Фақат эридан уларнинг номларинигина эшитиб турарди. Эри билан қишлоққа борса ё уйга эрининг ошпаларни келишса, шулар ҳақида гаплашишарди. Улар ҳар сафар учрашишганда ўз қишлоқлари, у ердаги ўрмонлар, арчалар, у номини ҳам эшитмаган қандайдир ҳайвонлар, антиқа гуллар, хилма-хил ўтлар ҳақида сира зерикмай тоғ отгунча гаплашишарди. Гулбаҳор буларни болаларнинг гапи деб кулар, лекин буни болалар эмас, кап-катта одамларнинг гапиришадиганидан ҳайрон қоларди. Ўзи шаҳарда ўсгани, на ота-онаси-ю, на ака-укаларидан бирон марта бўлсин табиат ҳақида, на ўту на гул тўғрисида гаплашганларини эшитмагани учунми, уларнинг бу тарздаги суҳбатларига ажабланиб қулоқ соларди.

Гулбаҳор Нурилла билан янги танишган кезлари унинг ов, ўрмон ҳақидаги гапларини эшитиб, бир парсага сира тушунмасди.

«Нега у фақат шулар ҳақида гапиради», деб ҳайрон бўларди. Кейин билса Нурилла тоғдаги ўрмонда туғилиб ўсган экан.

Улар қишлоққа ярим тунда кириб келишди. Нурилла уйдагиларни безовта қилмаслик, ҳам эрталаб барвақтроқ бойчечак теришга бориш учун болаларни билан меҳмонхонага жойлашди.

Эрталаб нари-бери нонушта қилиб олишгач, яна Азимжоннинг машинасига ўтириб, йўлга тушишди. Қишлоқдан чиқишгач, «Ўрга қараб ўрлаяпмиз», деди Нурилла хотинига. Гулбаҳор бу сўзни ҳам биринчи марта эшитиши эди. Кейин тош йўл уларни Оқдовонга олиб чиқди. Гулбаҳор бу ернинг нима учун Оқдовон эканлигини сўрамоқчи бўлди-ю, тортинди. Азимжон машинани секинлатиб, уларга атрофдаги манзараларни кўрсатиб бораётганди. Тепаликдаги Қўштутдан ўтишгач, Нурилла тезроқ Жипор тепа томон ҳайдашни буюрди. У бойчечак теришга ошнқаётганди. Қизик, қан-

чадан-қанча йўл босишди. Лекин, бойчечак кўринмасди. «У фақат маълум жойларда очилади», деди эрн. Ниҳоят, Сакратма деб аталган довондан ўтишгач, Жипор тепага кўтарилиб, машинадан тушишди.

Тоғнинг кунгай бетида ингичка толалари оппоқ бойчечаклар очилиб ётарди.

Нурилла ёш боладек югуриб бориб, ердаги бойчечакларни узмоқчи бўлди. Аммо бойчечакнинг ипдек томири анча чуқур эди. Нурилла бунн унутганидан хафа бўлди. Ахир уни ердан ингичка пичоқнинг учи билан ковлаб олмасмиди?! Унутгани шунчалик-да! Шаҳарлик бўп кет-э!

У қўйнидан кийик шакли ишланган кичкина пакки чиқарди. Ерни ковлаб бойчечакни қўлига олди. Уни днмоғига келтиришн билан ўзи унутасан позик бир ҳидни туйди.

— Дада-жоп! Мана бу ёқда сарнғи ҳам бор экан!— орқадан ўғлининг шодон овози эшитилди.— Менга сарнғидан олиб беринг!

Нурилла йўлнинг у бетига ўтди. Пакки билан ер ковлаб болаларига бойчечак тера бошлади. Болалари йўлнинг у бетидан бу бетига югуришар, қийқиришиб, отаси ковлаётган бойчечакларни талашишарди.

— Босманглар, босманглар!— деб тайинларди Нурилла болаларига.

Ўзи бўлса тепаликнинг ўртасида туриб, ҳордиқ чиқарарди. Атрофидаги сокин тоғларга, кўм-кўк ўрмонларга, ҳў, қирда югуришиб, бойчечак тераётган болаларига, улардан нарироқда харсанг тош устида ўтириб атрофга тўймай боқаётган хотинига тикилиб, қалби галати, таърифга сиғмас ширин туйғуларга тўларди.

Гулбаҳорнинг ҳам шодлиги оламга сиғмасди. У юрагидаги барча гина-кудуратларни, кечагина эрини ранжитганини тамомила унутган, юрагининг туб-тубидан оқиб келаётган шодлик-бахтиёрлик ҳисси бутун вужуди-га таралиб, қанот бағишламоқда эди. У атрофдаги ман-

зарага суқланиб тикиларкан, эридан миннатдор бўлиб кетди. Қани энди ҳозир анави йиғитлар бўлмаса-ю, у эрининг қучоғига отилса... Аввалгидек, ҳа, бир пайтлардагидек суйиб-суйиб эркаласа...

Улар Жниор тенадан даста-даста бойчечак териб қайтишди. Нурилла қишлоғига киришни истамади. У бойчечакни кўрган, унга шунинг ўзи старди. Уларни Азимжон билан Назрулла Деновгача кузатиб қўйишди. Нурилла болаларини олиб, тўғри Деновдаги дўсти Турдалиникига тушди. Кечқурунги рейс билан Тошкентга учишмоқчи эди. Кечқурунги рейсга билет олишолмагач, эрталаб учадиган бўлишди. Турдали баланд бўйли, хушқомат, кўнгли очик, соддадил йиғит эди. Унинг рафиқаси Сабура ҳам камгап ва мулоим аёл экан. У Гулбаҳорга ёқиб қолди. Гулбаҳор Сабура билан бир зумда кўп йиллик қадрдонлардек ҳамсуҳбат бўлиб қолди. Эрталаб жўнайдиган бўлишгач, юklarини коридорнинг бурчагига жойлаб, устига ўзлари териб келган бойчечакларни қўйиб қўйди.

Кечқурун Нурилла, Гулбаҳор уй эгалари билан ичкаридаги ҳашаматли зал уйда чой ичиб, гаплашиб ўтиришарди. Болалари эса уларнинг болалари билан нариги уйда тўполон қилиб ўйнашар, дам-бадам Гулнозанинг «мана биз терган бойчечаклар, мана бунисини ўзим терганман», деб мақтанаётгани эшитилиб турарди.

Турдали асли адабиётшунос олим эди. У ўз воҳасидан чиққан машҳур шоиранинг ҳаёти ва ижоди билан шуғулланар, кўп йиллардан бери шу ҳақда илмий иш ҳам ёзаётганди. У алламаҳалгача меҳмонларга шоиранинг шеърларидан ўқиб берди. Ярим кечага яқин Сабура уларга шу хонага жой солиб берди. Гулбаҳор ҳар жойда думалаб, ухлаб қолган болаларини бири-кетини олиб кириб, ётқизди. Чироқни ўчиргач, диванга келиб, эрининг ёнига ўтирди. Унинг бу сафардан руҳи кўтарилган, хурсанд эди. У ҳозир эрининг қоп-қора сочла-

рини, чарчаган, сўлгин юзларини жуда-жуа силагиси келарди. Шу пайт эри қулоғига хафахон шивирлади:

— Гули... бойчечаклар йўлакда сочилиб ётган экан...

Гулбаҳор унинг овозидап қаттиқ рапжиганини пайқаб, аста ўрнидан турди. Секин эшикни очди. Ҳақиқатан ҳам бойчечаклар йўлак билан битта бўлиб сочилиб ётарди. Болалари уни уй эгаларига кўрсатаман деб, сочиб юборишган эди. Гулбаҳор полдан томирлари эзилган, узилган бойчечакларни битта қўймай териб олди-да, хонага қайтиб кирди. Йўлакдан тушиб турган ингичка нур ёруғида юриб бориб, тўрдаги сервант устида турган гулдонни қўлига олди. Ошхонадан сув олиб келиб, бойчечакларни унга солди-да, эрининг рўпарасидаги сервант устига қўйди. Яна оҳиста юриб келиб, Нурилланинг ёпида чўзилди. Энди унинг қўллари қимирламас, шунча қийналиб етишган нарсаларини авайламагани учун қалбап эзилаётган эди.

Улар эрта тонгда уйғонишди. Турдиали уларни аэропортгача кузатиб қўйди. Самолёт бир наса дақиқа парракларини айлаптириб, дириллаб тургач, асфальт йўлка бўйлаб енгил юриб кетди. Сўнг шиддат билан осмонга кўтарилди.

— Ахир бойчечакни ташлаб келдинглар-а,— деди Нурилла хотинига ўкинч билан тикилиб.

— Войй...— деб юборди бирдан Гулбаҳор ачиниб.— Сервантнинг устида қолиб кетибди-я...

— Сиз шунақасиз-да, ўзи,— деди Нурилла маҳзун жилмайиб.— Атай ташлаб келгансиз...

Эрининг гапи Гулбаҳорга тарсаки ургандек таъсир қилди. Унинг кўз олдида сервант устидаги гулдонда қолган оқ-сариқ бойчечаклар турар, уларнинг қолиб кетганидан юраги жазиллаб ачишарди.



Шундай қилиб, мен рози бўлдим. Онамнинг хурсандлигини кўрсангиз. Ўзини йўқотиб қўйди бечора: «Ҳар ҳолда улар ҳам хўжа... тагли-тугли одамлар...»

— «Ўша кунёқ рози бўлиб қўя қолсам бўлмасмиди? Менга бари бир эди-ку!»— дея афсус чекдим, ўзимни қойидим кейин...

...Ўқишдан чиқиб, қизлар билан кинога кирдик. Ўйга кеч қайтдим. Ечинаётган эдим, чопқиллаб Дилфуза кирди.

— Феруза она, биласизми, ойимла-чи «хўп» девордила. Майлими?

— Нимага «хўп» дейдилар?

— Ану кун-чи, ёмгир ёққанда иккита хотин келганди-ку, ўшалар яна келишди. Кейин ойимларини энди «хўп» демаганингизга қўймаймиз, деб роса қисташди. Кейин ойим «майли» девордилар. Ана, билдиз...

Кўз олдимга бундан уч кун бурун кўрганым соя келди...

Залда чизма чизаётгандим. Қимдир олдимга келиб туриб олди. Бошимни кўтармай чизавердим. Уч кундан бери шу столда ишлардим. Чизадиған деталь ҳар бир студент учун алоҳида бўлса-да, студентлик билетингизни қолдирсангиз ҳам уйга беришмайди. Нима бўлса ҳам шу ерда чизиш керак. Қошки бу ерда ўғил болалар ўз ҳолингга қўйишса... Залга киришим билан йигитлар умриларида қиз бола кўрмагандек ҳар чеккадан қарай-веришади. Бу ҳам майли-я, баъзилари тенамда туриб олишади. Кейин даҳлсиз саволлар бера бошлашади...

Бу «хира» ҳам шунақа саволлар берди. Бошимни

кўтармадим. Кечқурун уйга келиб, оймидан гап эшитдим.

— Сени кўргани атайлаб боришган экан совуқ кунда. Бошингни кўтариб тузукроқ қарамабсан ҳам... Бояқиш онаси тўрт қават зинадан чиқаман деб нақ эси кетибди. Эшик огзидан уям қараб турган экан. Жудаям хунук иш қилибсан, қизим...

— Ажаб бўлибди,— дедим.

... Соя кўз олдимда қоқиб қўйилгандек туриб олди. «Қизиқ, дердим ўзимга-ўзим,— қанақа йнгит бу ўзи? Мен танимаса, билмаса, бир кўришда уйланишга рози бўлса... Ё унга ҳам барибирмикин-а?— Юрагимни ғашлик кемира бошлади.— Ҳа, бўлмаса рози бўлармиди?»

Тўйдан кейинги ҳаётимни кўз олдимга келтиришга уринардим.

«Кейин... кейин... нима бўларкин? У билан умрбод бирга яшай олармикин?»— деб ўйладим. Лекин бу фикрни тезда унутгим келди.

Нима қилишимни билмай турган эдим. Зулайҳо келиб қолди. Ғалати кўришди кўзимга. Ранглари оқаринқираган, билинар-билишмас титтарди.

— Қалай, кўрдингми уни, ёқдингми?— сўради у ҳовли томон очиб қўйилган деразанинг олдига бориб.

— Менга ёқса-ёқмаса барибир эмасми?— дедим унга яқинлашиб.

— Шунда ҳам-да... Қаерда ишлар экан?

— Айтдим-ку, қизикмадим деб.

— Вой тавба-ей!

Зулайҳо менга ўғирилиб қаради. Мен унинг қўлларидан ушладим.

— Эсингдами, Навоийнинг байти:

Менга не ёру ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам эрсам ушбу басдур.

— Ҳа... Шундайликка шундайку-я... Лекин мен...

Мен ундаи бошқани дейишни тасаввур қилолмайман.—
Шундай деб Зулайҳо йиглаб юборди.

— Феруза, сенга ҳавасим келади. Қиламан деган
ишнинг қила оласан. Мен шундай қила олмайман.
Минг ўйламайман десам ҳам, барибир у кўз олдимда
тураверади...

Унга қараб туриб раҳмин келиб кетди. Зулайҳо Аҳ-
мад деган бир йиғитни севарди. У йиғит картошка сом-
сани яхши кўрармиди, Зулайҳо, онасига ҳар икки-уч
кунда «егим келяпти, жон ойи-жон қилиб беринг», деб
сомса пиширтирар, кейин сумкасига дафтар ўрнига
ҳам уш солиб, Аҳмадга элтиб берарди. Зулайҳо уни
астойдил севинишга ишонардим. Лекин Аҳмаднинг бирор
марта бўлган кўрмагандим. У Зулайҳонинг севармиди-
йўқми, билмасдим. Зулайҳо доим у ҳақда фахрланиб,
тўлқинланиб гапирарди. Яқин орада тўйлари ҳам бўли-
ши керак эди. Лекин йиғитнинг онаси рози бўлмабди.
Улар тагли-тугли хўжанинг қизини келин қилишармиш...
Ўғил ҳам бош фарзанд бўлганидан онасининг гапини
икки қилолмасмиш...

Мен ҳам бир вақтлар Зулайҳонинг кунига тушган-
дим. Фарруҳни севар эдим. Лекин буни ҳеч кимга, ҳат-
то Зулайҳога ҳам сездирмагандим. Чунки негадир доим
қизларга: «Мана кўрасизлар, мен ҳеч кимни севмайман.
Ҳеч кимни», деб юардим. Уни кўрсатмаганим яхши
бўлган экан. Номард мендан бошқасини кўзлаган
экан... Кейин йиғитларга ишончим қолмади. Ўзим бил-
лаи ўзим бўлиб юравардим. «Мана кўрасизлар, мен ҳеч
кимни севмайман!»

Фарруҳни севинимдан оинм ҳам, синглим ҳам беҳа-
бар эди. Шунинг учун оинм келган совчиларга фахрла-
ниб: «Қизимни боши очик», деб айтар эдилар-у, меннинг
раўйимга қарардилар. Фарруҳдан айниганимдан кейин
бирорта йиғит билан гаплашмасдим, ўзим якка-ёлғиз
яшасам деб юардим. Лекин иложи бўлмади... «Май-
ли... Менга барибир эмасми?».

...Қўшнимизнинг уйидаман. Девор тагидаги дарчадан ҳовлимиздаги ҳаракатларни, олиб-югуришларни кўриб турибман. Зулайҳо ёнимда.

Қўчада қий-чув кўтарилди. Болаларнинг «куёвлар келишяпти!» деган қичқирнқлари кўчани босиб кетди. Карнай-сурнайлар садоси остида куёв-навкарлар кўча-мизга кириб кела бошлашди.

Уйга кириб, деразанинг тахтасига ўтирдим-да, йиғладим. Ужар табиатимни, Фарруҳни ўйладим... Яна, «барибир» дедим...

— Феруза, ану психларни томоша қилсанг-чи,— деб Зулайҳо қўлимдан тортиб тургазди. Ҳовлига олиб чиқди.

— Қара-чи,— дарчага туширилган нардани қия очди. Карнай яна ҳам қаттиқроқ янграр, йиғитлар эшигимиз олдига келиб қолншганди.

— Куёв қани, қайси бири экан?

Йиғитлар эшигимиздан ҳовлига кира бошлашди.

— Берироқ кел! Ҳозир кўрасан куёв тўрани,— билангидан ушлаб ўзига тортди Зулайҳо ва бирдан кўрсатгич бармогини олдига узатди.— Ана!!!— Зулайҳо қаттиқ чинқирди-да, бирдан шилқ этиб йиқилди.— Фе-руз... Фе-руз... У... Аҳмад! Ўша!— деди пичирлаб.

Мен деворга суяниб қолдим. Эшик очилиб остонадан кеннойим кўринди. У менга келтирилган келинлик саруполарини қўлида ушлаб турарди...



Август ойининг охирлари эди. Мен ўз хонамда бутун вужудим қувончга кўмилиб ўтирардим. Майин эсаётган шабада дераза пардаларини тортқилаб ўйнар, бурчакдаги шкаф устида турган «Сюрприз»дан хонага юракни қитиқловчи ёқимли куй тараларди.

Ўрнимдан туриб деразага яқинлашдим. Машина асфальт кўчага сув сепиб кетган, йўлка четидаги терак барглари енгил шабадада сирли шивирлашарди. Ҳали вақт эрта бўлгани учун идорага кириб келувчиларнинг сони оз эди. Мен йўловчиларни кузатар эканман, дугонам Раънони эсладим.

Раънонинг отпусकाга чиққанига беш-олти кун бўлиб қолди. Бу кунларнинг ўтиши ҳамхоналаримизга билинмаган бўлса-да, менга оғир туюлди. Чунки хонамизда мен билан Раънодан бўлак қиз йўқ. Бунинг устига Раъно менинг энг яқин ўртоғим.

Раънонинг отпусकाга чиқиши олдида менинг «домлам» (мен Маҳкам акамни шундай атардим) касалхонага тушган эди. Раъно билан ишхонада вақт топднк дегунча, «домлам»нинг энг яқин дўсти Ўткир акага қўнгироқ қилиб, биргалнкда касалхонага жўнар эдик.

Ўткир ака баланд бўйли, қотмадан келган, сочлари снйрак, кўримсизгина бўлса ҳам, лекин истараси иссиқ, хушфеъл йнгит эди. У баъзан «домлам»нинг элчиси бўлиб, бизга ундан хабар келтириб турар ва янгиликларни айтиб берар экан, негадир Раънодан кўзини узмас эди. Бу ҳол тортинчоқ дугонаминг гашини келтирарди.

Бора-бора Ўткир ака бизнинг олдимизга ниҳоятда ўзига зеб бериб келадиган бўлди. У келиши билан хо-

намизга гуп этиб атир иси таралиб кетарди. Менинг назаримда энди Уткир ака учун касалхонага бориш бир баҳона-ю, аслида Раънони кўриш учун келатган-дек эди.

Раъно отпуссага чиқиб кетган куннинг эртасига Уткир ака башанг кийинган ҳолда хонамизга кириб келди. Ўзи «домла» баҳонасида менинг ёшимга келган бўлса-да, хонага кириши билан Раънонинг ўрни бўшлиғини кўриб, юзига билинар-билимас гамгинлик чўкди. Бу сафар унинг ёнида бир йигит ҳам бор эди.

— Танишинг, бу киши бизнинг энг яқин ошналари-миздан бири, рассом Камолжон бўладилар,— деб Уткир ака менга яқинлашди.

Рассом нозик дид билан кийинган, елкалари кенг, савлатли бўлиб, қоп-қора қалин сочи, қош-кўзи, лаблари устидаги дид билан пардозланган мўйлови бир кўришдаёқ арман йигитларини эслатар эди.

— Бу киши ҳам бизнинг журналда ишлайдилар,— стулга ўтирар экан давом этди Уткир ака. Рассом эса Раънонинг столи орқасидаги деворга турли журналлардан қирқиб ёништирилган суратларга тикилиб қолган эди.

— Камолжон журналимизнинг пахта сонига бир расм ишлаётган эдилар.— Уткир ака шундай деб рассомга қаради. Рассом ҳам шундай дегандек бошини қимирлатди.— Расмда пахтазорда бир йигит севгилисининг қўлогига «барака» қадаб қўяётганини тасвирлаганини керак...

Мен Уткир аканинг бу гапларини нима учун айтаётганига тушунолмайд, рассомнинг ўзига ярашиб турган оқин рангдаги чийдухоба шимига, унга мос чийдухоба туфлисига кўз қирим билан назар ташлаб, қулоқ солиб ўтирардим.

— Лекин,— Уткир ака қўлидаги папиросни столим устидаги ручканинг мармарига босиб, менга тикилди,— лекин, ҳалиги «барака» қадаётган йигитнинг қўллари

ҳаётини чиқиши учун бир оз «натура» керак. Шунга Раъно икковинглар бир оз вақт ажратиб, Қамолжонларникига борсангизлар. Бу ишда Қамолжонга бир оз ёрдам бериб юборсак,— деб келган эдим. Кейин Қамолжон ўзларининг портретларининг ҳам чизиб беришга сўз берадилар...

Мен Ўткир аканинг ниятини шундагина фаҳмладим: У Раънонинг қулогига «барака»— чапоқ қадаб турмоқчи, шу баҳонада у билан яна ҳам яқинроқ бўлиб олмоқчи эди.

Ўткир ака менга рассомнинг ижодхонаси ниҳоятда гўзаллигини, бутун хона деворлари ўзи чизган расмлар билан тўлалиги, у ерга кирган одам ўзини ажиб бир манзаралар оламида юргандек ҳис этишини ҳикоя қилар экан, мен авваллари рассомлар ҳаёти билан таниш бўлмаганлигимдан Қамолжоннинг хонасини бир кўришга қизиқиб қолдим. Уларга Раънони кўндиришга ваъда бердим. Жума куни тушдан кейин рассом бизни ўз уйида кутадиغان, Ўткир ака биз билан Хадрадаги дорихонанинг олдида учрашиб, бизларни уикига олиб борадиган бўлди. Раъно ҳам рассомнинг асарларини кўришга қизиқиб қолди.

Жума куни пешинларда дугонам чиройликини бўлиб кириб келди. Эгинида нафис, пушти гулли шифон кўйлаги (бу кўйлаги Раънога жуда ҳам ярашар эди), кўйлагига мос қизил сумкасини билагига осиб олган эди.

— Шу Ўткир ака билан кўчада бошлашиб юришга ҳеч тоқатим йўқ-да!— деди Раъно афтини буриштириб.— Ҳадеб одамга суйкалиб, қўлнинг қўлимга теккизаверади. Шундай гашим келадики...

Мен Ўткир аканинг бундай одатини пайқамаганим учун:

— Сизни яхши кўриб қолгандир-да,— деб кулдим.

— Яхши кўрмай ўлсин,— деди Раъно энсаси қотиб. Раънони бундай ҳолатда кўрган Ўткир аканинг қан-

чалик саросимага тушишини ўйладим. Эшикни ичкаридан қулфлаб, жиндак пардоз қилиб олдик-да, кўчага чиқдик.

— Ўткир ака келмаган бўлса-чи,— хавотирланиб сўради йўлда Раъно.

— Келади,— ишонтирдим уни. У келиб бизни кутаётганлигини юрагим сезиб турарди. Узоқданоқ кўзимиз тушди. Ўткир ака напкасини қўлтиқлаб, дорихонанинг олдида панирос чекиб турарди. Уни кўриб галати бўлиб кетдим. У худди ЗАГСга шайланиб турган йигитларга ўхшарди. Эгнига янги, енглари қайтарилган оқ кўйлак (кўйлаги ичидаги сариқ инак майкаси шундоққина кўриниб турар эди), рахи чиқариб дазмолланган қора шим кийган, оёгида қора лак туфли, бошига ҳам янги чует дўппи кийиб, ясаниб олганди.

Ўткир ака бизни кўриши билан секин жилмайиб, кўзлари қувончдан порлаб кетди. Тез-тез юриб келиб, меҳр билан қўл чўзиб кўришди. Раънонинг ҳам ясаниб келганини ўзича нималаргадир йўйиб, яна ҳам севиниб кетди. Трамвайга чиқдик. Ўткир ака билет олиш учун ҳайдовчи олдига ўтиб кетди.

— Бизлардан сал нарироқда туриб кетса бўларди,— деди гижиниб Раъно.

Раънонинг бу гапидан Ўткир ака бугунги қиёфаси билан ҳам дугонамга заррача таъсир қилолмаганини сездим. Ўткир ака йўловчилар орасини ёриб ўтиб, Раънонинг шундоққина биқинига келиб туриб олди. Трамвай силкинганда унинг тукли билаклари дугонамнинг қўлларига тегиб кетар, шунда Раънонинг юзлари буришиб, тобора менинг пинжимга тикиларди.

«Олмос»га етиб, трамвайдан тушдик. Кўчанинг нариги бетига ўтиб, тупроқ йўлдан орқага қайтдик. Юз одимлар чамаси юрганимиздан сўнг, қишлоқ йўлларини эслатувчи кўчага бурилдик. Узоқдан атрофи пастакки-на пахса девор билан ўралган дарахтзор боғ кўзга ташланди. Пахса деворнинг орқаси бошдан-оёқ олхўризор

бўлиб, меваси гуж-гуж шохлари девор оша кўчага осилиб ётарди. Деворнинг эшиги ҳам ёғоч панжаралардан ишланган эди. Ўткир ака мана шу бўёқлари ўнгиб кетган панжара эшигининг олдида тўхтади.

— Келдик,— деди у.

Ўткир ака эшикни итариши билан ичкаридан баҳайбат итнинг вовуллагани эшитилди. Ҳовли четидаги зинада бир рус кампир пайдо бўлди.

— Коля, сенинг олдингга қизлар келишди,— деди у ичкари эшикка қараб.

Раъно иккаламиз итнинг овозидан чўчиб, қимирламай турардик.

— Юраверинглар, ит богланган,— у яқинроқ келиб Раънонинг билagидан тортди.— Ечилиб кетса, мен борман-ку, ахир...

Унга эргашиб, ҳовлига кирдик. Шундоққина оёғимиз тагидан катта сув оқиб ўтар, ариқнинг устига зулфинлари ҳам олиб ташланмаган эшик кўприк қилиб ташлаб қўйилган эди. Ариқнинг икки чаккасидаги тўп-тўп сап-сарик гуллар сувга энгашиб ётарди.

Ўткир акани ёнлаб, кўприкдан ўтгач, гишт ётқизилган тор йўлқадан зинага яқинлашдик. Йўлқанинг икки четини ҳам сап-сарик гуллар тўсиб турарди.

Рассомнинг сочлари бетартиб тўзғиган, қўллари бўёқли эди. У бизни кўриб қувонганидан қандай кўришсини ҳам билмай, қоп-қора қўлларини кўрсатиб, пляжарди. Кейин ўзини ўнглаб, ичкарига ишора қилди.

— Кириглар, кираверинглар.

Ўткир ака дўстининг билaгини тутиб, кўришган бўлди. Кампир қўлида бир калава ип ва пайпоқ тўқийдиган нинасини кўтариб чиқди-да, биз билан сўрашиб, боққа ўтиб кетди. Туфлимни ечиб, ичкарига қадам қўйишим билан, димоғимга гул этиб, бўёқ ҳиди урилди. Бурчакдаги катта голланд печка биқинидаги эшикдан торгина хонага кирдик. Тўғридаги деворга ёништириб ташланган расмлардан бу рассомнинг хонаси эканлиги

сезилиб турарди. Хона кичкинагина бўлса ҳам, жуда қўн нарсалар қалашиб ётарди. Тўрда бир кишилик катта кароват турар, устига қизил сатни кўрна тўшалган, каравот оёғида эса ярим газли сочиқ осилиб ётарди. Каравотнинг тепасидаги илгакда дазмолланган кўйлаklar устма-уст осиб қўйилган. Хонага киришимиз билан дераза панжарасига тираб қўйилган чиройли бир қизнинг портретига кўзимиз тушди. У қўйиб қўйгандек Раънога ўхшаб кетарди. Раъно ҳам, Ўткир ака ҳам уни кўриб ҳайрон қолишди. Биздан кейин қўллариини ювиб кирган рассом расмга тикилиб турганимизни кўриб бир лаҳза тўхтаб қолди. Унинг кўзлари Раънонинг кўзлари билан тўқнашди. Сўнг шоша-пиша портретини олиб, уйнинг бурчагида тахланиб ётган китоблари орасига яширди. Устида бўёқлар турган табуреткани бўшатди-да, газета солиб, ўтиришга таклиф қилди.

— Айтмоқчи, Қамолжон, Сиз Раънохонини илгари ҳам кўрганмисиз?— ҳайрон бўлиб сўради Ўткир ака. Қамолжон унга тикилиб ўйлашиб қолди. Афтидан, у Раънони қасрда кўрганини эслашга уринарди.

— Йўқ,— деди рассом бир оздан кейини.— Мен Раънохонини биринчи кўришим.

— А... ҳалиги сурат-ми?— шубҳаланиб сўради яна Ўткир ака.

— Ҳа...— деди рассом беихтиёр жилмайиб.— Мен ҳаёлимда ҳампиша бир қизни тасаввур қилиб юардим. У қизнинг теран кўзлари, сержилва чеҳраси кўз олдидан сира кетмасди. Мен ўз асаримда ҳам ўша қалбимнинг тўрида ардоқлаб юрганим — қизни тасвирлаган эдим. Ҳозир қаршимда уни кўриб тургандекман...

Рассом Раънога юзланди. Раъно бўлса, ноқулай аҳволда қимтиниб ўтирарди.

— Ҳа, дарвоқе,— Ўткир ака ўриндан туриб кетди.— Қамолжон, тапишинг, бу киши Сўрайёнинг энг яқин дугоналари Раънохон бўладилар,— деди қизни кўрсатиб. Улар яна кўз уриштириб олишди. Мен секингина

Раънони чимчилаб қўйдим. У негадир қулоқларигача қизариб кетди. Рассом столнинг устидаги нарсаларни тартибга солар экан, мен хонани кўздан кечирдим. Орқа деворга ёништирилган тасвирда йўгон, мускуллари бўғриб чиққан, қўлларини тиззасига ташлаб, бир оёғини узатиб ўтирган забардаст киши ифодаланган эди.

Пазаримда рассом бу расмида бутун вужудидан ғайрат, шижоат барқ уриб турган камолот ёшидаги йигитнинг рамзий тимсолини тасвирлаган эди.

— Сурайёхон,— диққатимни бўлди Уткир ака,— нега дугонангиз ҳеч гапирмайдилар? Ё қулоқларига қуйиб келганмисиз гапирманг деб?

Раъно полосдаги гижимланган қоғозларга тикилиб, шималариндир хаёл суриб ўтирарди.

Рассом қиш-қизил тарвуз сўйиб келди. Уткир ака лагандagi тарвузнинг каржидан узилиб тушган мағзини олиб, Раънога олиди. Раъно тарвуз смаслигини айтиб, олмади. Рассом таклиф қилгач, лагандан бир карж олиб, еган бўлди-да, қўлини артди. Уткир ака бурчакда тахланиб ётган китоб-қоғозлар орасидан бир варақ қалин альбом қоғозини топти. Унга бир оз тикилиб, бизга юзланди:

— Мана, Камолжон чизмоқчи бўлган расмлари,— деди у варақни бизга узатиб. Қўлимга олдим. Қоғозда кенг пахтазор ўртасида бошига дўпни кийган бир йигит пахта тераётган қизининг қулоғига «барака» тақаётгани чизилган, лекин йигитнинг «барака» тақаётган бармоқлари бир оз букилган тарзда тасвирланган эди. Рассом ростдан ҳам расмининг бу жойини тузатиш учун бизни таклиф қилгани аниқ эди. Расмин Раънога узатдим.

У ҳам бир оз томоша қилди-да, қайтиб менга берди.

— Ана, Раънохон, кўрдингларми,— Уткир ака Раънонинг тепасига келди,— йигитнинг қўллари чиқмай қолган-а?

Раъно «тўғри» дегандек бош қимирлатди.

— Мен ҳозир,— рассом ҳовлига чиқиб кетди ва бо-
яги биз кўрган сариқ гулдан икки донасини узиб кел-
ди. Тумбочкасининг тортмасидан ип олиб, гулларни
бирлаштириб боғлади.

— Мана, «барака» ҳам тайёр!— деди у хурсанд бў-
либ.

— Мана, мен энди сизнинг қулоғингизга тақиб тур-
сам, Камолжон бу ёғни бирпасда боғлайдилар,— «ба-
рака»ни қўлига олди Ўткир ака.

— Йўқ, йўқ,— қўрқиб кетди Раъно.— Менга эмас,
ана, Сурайёга қадаб тура қолинг.

— Ия, унда «домлангиз» хафа бўлмайдиларми?
Сизга қадаб турсам нима бўпти?

Рассом ҳам гулни Ўткир ака шундайгина қулоғига
тутиб турса наридан бери чизиб олпшини тушунтирмоқ-
чи бўлди. Лекин Раъно баттар уялиб, бошини ердан
кўтармади.

— Майли, қўйинглар. Раъно, хафа бўлманг,— улар-
ни тинчитди рассом.— Мен сизларни фақат шунга эмас,
меҳмон бўлинглар деб чақиртирганман.

Ўткир ака бутунлай бошқа қиёфага кирган эди. Қў-
лидаги гулни каравот устида ётган расмга қараб жаҳл
билан шундай отдики, гул суратдаги қизнинг қулоғига
тақилиб қолгандек бўлиб тушди.

Раъно бўлса шу топда қайсидир журнал зарварағи-
дан кўчириб олиб, иккита кнопка билан деворга ёпиш-
тириб қўйилган суратга тикилганича донг қотиб турар-
ди. Бу сурат буюк Леонардо да Винчининг машҳур
«Жоконда»си эди. Дугонам дунёдаги энг машҳур, энг
жумбоқли, ягона расмга тикилганича шунчалик хаёлга
берилган эдики, гўё ҳамма нарсани унутгандай...

Мен оҳиста унга яқинлашдим-у, ўйчан кўзларида
икки томчи ёш кўрдим.

— Сенга нима бўлди, Раъно?— ҳайрон бўлиб сўра-
дим ундан.

— Ўзим, шундай...— деди синиқ овозда.— Моно Ли-

зага қарагин, орқасида вайрона шаҳар: худди унинг кўнглидай,— деб қўшиб қўйди у.

Мен Жоконда суратига яқинроқ келдим ва биринчи бор орқа фондаги шаҳар харобаларига диққат билан қарадим. Яна нигоҳим Моно Лизага қадалди. Унинг боқиши ҳақиқатан ҳам сирли эди. Лесонардо да Винчи тасвирлаган бу аёлнинг аҳволини сўз билан таърифлаб бўлмасди.

Илгарин мен бу асар фақат яхлит портретдангина иборат деб тасаввур қилиб юрардим. Суратдан яна унинг номаълум «кўз илгамас» томонларини қидирарканман, худди музейдаги экскурсоводдек ёнимда турган Раёно менга тушунтира кетди:

— Қара, Моно Лиза бизларга қандай нигоҳ ташлаб турибди. Қарашларида майинлик, яна бир оз ҳорғинлик ҳам бор. Кўзларидаги нур худди жонли одам қарашларидек тиниқ ва ёрқин... Сурат сиртдан қараганда сокинлик билан уйғунлашиб кетган дунёга ўхшайди. Лекин худди ер остида қайнаб ётган вулқондай оддий кийимдаги юксак фазилатли Жоконданинг майин кулгуси замирида ҳам титраётган теран қалби яширин.

Раёно худди Жоконда юзларидаги маънони ўқиётгандек, оҳиста сўзларкан, мен дам суратга, дам дугонамга қараб қўярдим.

Орага чўккан жимликин Камолжоннинг орқадан эшитилган овози бўлди:

— Раёнохон, яна бир оз диққат билан тикилинг, Жоконданинг оҳиста нафас олаётганини ҳам сезасиз.

— Тўғри,— деди дугонам,— менинг ҳам назаримда Жоконда худди нафас олаётгандек туюлди. Бу асар ҳақида ўнлаб рисоалар ёзилганини эшитганман... Да Винчи: «Мўйқалам соҳиблари ники асосий нарсани: инсонни ва унинг ички дунёсини англай билиши керак», деган экан. Дарҳақиқат, буюк рассом айтган гаплар қанчалик ҳақиқат эканлигини Жоконда ўзининг сирли табассуми билан тасдиқлаб тургандай.

Шу пайт Раъно Камолжон ўзига ҳайрат билан тикилиб турганини сезиб қолди-да, гапини тўхтатиб, унга қаради:

— Мен балки потўғри гапираётгандирман.

— Йўқ, йўқ, жуда тўғри гапираяпсиз, давом этинг,— деди Камолжон ҳаяжонли овозда.

Аммо шу пайт Уткир ака хахолаб кулиб юборди:

— Шу оддий расм устида шунча «нғво»ми? Бунақа суратлардан оғайним бир кунда ўнтасини ишлаб ташлайди,— деб Камолжонга ишора қилиб қўйди-да, дугонамга яқинроқ келди.

— Вой-бў, Раънохон, йнгладингизми... Тушунолмай қолдим...

Раъно елкасига қўйилган Уткир аканинг қўлини силтаб ташлади.

— Ҳа... сиз... ҳеч нарсани тушунмайсиз!— дея нари кетди.

Ўтиришимиз қандайдир совуқ тус олди. Биз қўзғалиб, кетишга ҳозирландик.

— Яна бир оз гаплашиб ўтирсанглар бўларди, бир келиб қолдинглар энди,— рассом бизни кузатишга отланар экан, менга қаради.

— Яна келармиз,— дедим.

Кўчага чиқдик. Узоқдан трамвай кўринди.

Ишхонага етгач, трамвайдан тушиб қолдим. Раъно уйига ўтиб кетди.

Раъно кундан-кунга ўйчан бўла борди. У мудом хаёл сулар, нималариндир ўйлаб кетар, ўзича билнар-билнимас жилмайиб қўярди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Бу орада «домлам» ҳам тузалниб чиқди.

Бир кун космонавтлар хиёбонида сайр қилиб юрадик. Пастликка тушиб, ойдинда шох-шаббалардан ясалган кўприкдан сойнинг нариги соҳилига ўтдик. Нарироқдан қувноқ қаҳ-қаҳа кўтарилди. Ногаҳон ўша ёққа бурилдик. Сой қирғоғида ёнма-ён ўтирган бир жуфт

ёшнинг сояси сув юзида бетиним титраб турарди. Улар бизнинг шарпамиздан чўчигандек, ўринларидан туриб, дарахтзор ичига қараб кетишди. Асфальтга тушиб турган чироқ нуруни кесиб, боғ ичига ўтаётганларида уларнинг чехраларига кўзим тушди: бу Раъно билан рассом Қамолжон эди.

Мен уларни кўриб, бутунлай лол бўлиб қолдим. Во ажаб! Бир пайтлари Уткир ака Раънонинг юрагига пулгула солмоқчи, оромни ўғирлаб, сокин, беташвиш тунларини беором қилмоқчи эди. У ҳозир бундан кўнгли чўкса ҳам, нияти амалга ошган эди. Раъно энди шўх, беташвиш болалик давридан ўтиб, бир умр чиқиб кетолмайдиган муҳаббат кўчасига кириб қолган, лекин унинг севгилли ўзга киши эди. Уткир ака эса безовталаниб, бир-бирини учратолмай, тақдирнинг бирлаштиришини кутиб юрган беғубор юракларнинг тонишишига ўзи истаманган ҳолда сабабчи бўлгандек эди.



ИККИНЧИ ХОНАДОН

Диловар ишдан қайтганда қайнонаси Наргисни «той-той» қилар, қизча қийқприб, қадам ташларди. Диловар уларни кўриб, чарчоғини ҳам унутди. Қизчасини қўлига олди-да, икки юзидан ўпиб, яна қайнонасига берди. Пешбанд тақиб, ишга тутинди. Қайнонаси мош қайнатиб қўйган экан, у гуручинини солди.

Кечкурун дастурхон бошида ўтиришганда қайнонаси тўйдан оғиз очди. Худди қайнонаси каби мулойим, ширинсўз Меҳриниса хола Диловарнинг кўз олдига келди. Диловар бу аёлни яхши кўрарди. Меҳриниса хола-нинг ўзи ҳам икки гаининг бирида «айланай келинимдан», деб уни эркаларди.

Мана ўша, эшикдан: «Келинимни соғиндим», деб кириб келадиган меҳрибон холаси яқинда қиз узатди.

— Эртага чарлари экан. Холангиз айтиб кетдилар,— деди Ҳуриниса хола.

Диловар кўп қариндош-уруғларининг тўйлари иш кунларига тўғри келиб қолишидан, қайнонасининг Наргисга қарайман деб тўйга боролмаслигидан хижолат чекарди.

— Болам, эртага ишхонангиздан бир кунга рухсат сўрасангиз бўлармикин? Наргисни ҳам олиб, чарларда ўйнаб келардингиз,— маслаҳат солди Ҳуриниса хола.

Унинг бу тариқа кўп нарсаларда маслаҳат сўраши Диловарга бир оз эриш туюларди. Бундай пайтларда у ноқулай аҳволга тушарди. Ахир қайнонаси бор кучини, қўлидан келган яхшилигини ундан аямаса. У қайнонасининг айтганларини сўзсиз бажаришга тайёр. Ҳатто у баъзи-баъзида, қайнонасининг буйруқ тарзида гапи-

ришини истаб қоларди. Лекин Ҳуриниса хола келини у ёқда турсин, ҳатто ўғлига ҳам қаттиқ гапирганини Диловар эслай олмайди.

Диловар ўйланиб қолди. Агар ишхонасидан сўраса, жавоб тегади-ю, лекин шу кунларда ҳисобот ёзаётгани учун зиёфатга бориш кўнглига сигмасди. Лекин, қандай бўлмасин, қайнонаси чарларга бориш керак. Уйда ўтиравериб ҳам сиқилиб кетдилар, ўйларди Диловар.

Эсим қурмасин, ўзимнинг ойнмлар борлар-ку. Уйдаги аҳволни айтсам, Наргисни бир кунга олиб қоларлар! Богчага берай десам, қайнонам қўймайдилар. Лекин ойим қудаларини унча ҳушламайдилар. Наргис баҳона бўлиб бирор жанжал чиқмасмикин?...— Диловар ҳамон ўйлар, хотирасида баъзи воқеалар жонланар эди.

Бир кун Диловар кимдандир тўйда қайнонаси келинининг сарупосига тивит рўмол ололмай, эл-юртининг кўзи деб, ўзининг рўмолини қўйиб юборганини эшитиб қолди.

— Шу ростми, ойнажон,— мулоҳимлик билан сўради Диловар қайнонасидан.

— Ҳа, болам... Шундай бўлганди,— деди Ҳуриниса хола хўрсиниб.— Шошиб қолдим. Нонлож эдим. Янгисини ҳам олиб бераман, болам! Яна ойим менга эски рўмолни қўйган эканлар, деб кўнглингизга олманг. Ҳали ўрамаган ҳам эдим. Хушнуджон олиб берган эди.

— Йўқ, ойнажон. Мен сира ҳам ундай ўйлаганим йўқ...— деди Диловар ойнасини гелкасидан қучиб.

Диловар Хушнуджондан уларнинг олдин шаҳардаги кичкина ҳовлида амакилари билан бирга яшаганлигини, у армияга кетгач, ҳаракат қилиб, ана шу ҳовлини сотиб олишганини тўйдан олдин ҳам эшитган эди.

— Сиздан яширмайман, болам,— деди бир оз ўзини босиб олгач Ҳуриниса хола келинининг балад бўйига, келишган сарв қоматига меҳр билан тикилиб.— Худога шукур, толейимга эсли-ҳушлигинасиз...— қайнонаси бир зум ўйланиб қолди.

— Биламан, ойнжон, биламан,— деди Диловар қайнонасини маҳкамроқ кучиб.— Мендан жошнгизни ҳам аямайсиэ, биламан!

Шу суҳбатдан сўнг у қайнонасига тивит рўмолни қайтариб берди.

— Углингиз сизга деб атай олиб келган рўмолни ўзингиз ўраиэ. Менинг рўмолларим кўп. Яна сарпода қатор рўмол қўйгансиэ...

— Муножот хола бу хабарни эшитиб, ловиллаб кетди. «Ҳеч замонда сарупога қўйилган нарсани ҳам қайтариб оладими киши? Нега энди индамасдан шкки қўллаб тутқаздинг? Эртага қолганларини ҳам бирма-бир чиқариб берарсан»,— дея қизини койиди. Бир кўнгли келиб, қудаси билан гаплашмоқчи ҳам бўлди. Лекин Диловар: «Ўзим қайтариб бердим, ойнжон. Рўмолларим кўп-ку»,— дея уни тишчлантирди.

Аммо Муножот хола қудасидан барн бир ранжиди, орага совуқчилик тушди.

Кейинги йили эса Диловарининг қайнагачиси ҳовли тўйи қиладиган бўлди. Ҳуриниса хола қизининг янги уйига бирор тузукроқ совга олиб боргиси келар, лекин институтни тугатиб, эндигина ишга тушибган Хушуд билан келини Диловарга бу ҳақда гапиринга етиҳола қиларди.

Диловар эса буни сезиб, индамай туролмади, янги чиққан этикдан оламан деб йиғиб юрган пулини ойлигига қўшиб, ойисига тутқазди.

— Олинг, ойнжон. Ишлата қолинг. Этикни кейинроқ оларман,— деди сидқидилдан рози бўлиб.

Ҳуриниса хола уни бағрига босиб дуо қилди.

Аммо қизининг бу иши Муножаат холаи баттар ранжитди.

У қизининг бунчалик бўш-баёвлигини илгари сира билмаган экан.

— Келин бўлиб тушганиндан буён эринг сенга ёлчитиб бирор нарса олиб бердими?— деди у титраб.

Муножот хола ғазабдан эмас, алам ва ўкинчдан ёниб борарди.

Диловар онасининг гапидан қизарди.

— Олиб беришар, ойижон, ҳозир ҳаммаси старлику,— деди ҳижолат бўлиб.

— Нега ўзи сен ҳамма нарсаларингни уларга бера-япсан? Ё буларнинг олдиди тил қисқлик жойинг борми?— Муножот хола қизининг нодонлигидан, ўзини қадрламаслигидан хафа бўларди.

Байрам кун иди. Хушнуд зарур иш чикиб, Диловарларнинг уйига онасини кўргани бирга боролмади. Фақат кечқурун бирров келиб, бир пиёла чой ичди-да, Диловар билан Наргисни олиб кетди.

Диловар ойисининг кўнгли бўшлиғини, бундай яхши кушларда куёви қизи билан кўргани келса, барча хафаларчиликларини дарров унутиб юборишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у бугун Хушнуднинг уйларига бирга келишини жуда-жуда хоҳлаган иди...

Муножот хола: «Куёвим мени келиб кўришга арзирмади, ҳурматимни қилиб, олдиди ўтирмади», деб хафа бўлди.

Байрамдан сўнг Хушнуд Диловарникига жуда кўп марта келди. Муножот холанинг баъзи юмушларини ҳам қилиб берди. Аммо Муножот холанинг кўнгли тўлмади...

Мана, Диловар институтни битириб, ишга тушганига ҳам бир йил бўлай деб қолди. Хуриниса хола набирасини боқиб ўтирибди. Набираси билан овора. Эртага эса холасиникида келин чарлар. Борса яхши бўларди. «Наргисни олиб чиқсам ойим кўнармиканлар?» деб ўйлади Диловар.

Шу хаёл билан барвақт турди-да, самоварга олов ташлади. Сўнг қадрдон ҳовлига — онаси ҳузурига отланди. Эшикдан кириб бораркан, Муножот хола кўриша туриб, қизининг бевақт келганидан ҳайрон бўлди. Диловар бўлса, онасининг Хушнуддан, қайнонаси

хафалигини билганидан мақсадини айтолмай, чайналди. Ниҳоят, нима ниятда чиққанлигини билдирди. Муножот хола унинг гапини охиригача эшитмаёқ, тутатиб кетди:

— Ўзим ҳам билиб юрардим, ойингни бир кун боқмайман, деб қолишини. Чиқиб айт, боласини боқаман, ўқитаман, ишлатаман, деб олгандан кейин сўзида турсин.

Диловар онасига Наргисни бир кунгагина олиб келишини тушунтирмоқчи эди, лекин онаси эшитишни ҳам истамади:

— Уни чарлари бўлса, мениям борадиган жойларим кўп. Шундай деса индамай чиқиб келавердингми?

— Ойижон, гапимга қулоқ солинг...

— Юз марта сенга айтаман, билиб-билиб гапиргин деб. Сен бўлсанг, шалпайиб, бошингга чиқариб олдинг. Маана энди ишга боролмай ўтирибсан. Эрта-индин бутунлай уйда қоласан, деса ҳам кўнасан, шу туришинг бўлса.

Диловар уйдан боши қотиб қайтди. Ҳовли юзида ҳеч ким кўринмас эди. Наргис ҳали уйғонмабди, эри ҳам турмаган шекилли. Эндигина пешбандини тутиб, сув сепишга чоғланаётган эди, кўча эшиги очилиб онаси кириб келди. У қора духоба нимчасини, кенг энгли кўйлагини кийиб олган, қўлида ихчамгина тугунча бор эди. Диловар онасининг ранги ўчганидан, жадал юриб келишидан, жаҳли чиқиб турганини сизди. Салом бериб, яқин борди.

— Ойингни чақир!— деди Муножот хола тўсатдан.

— Ойижон, озгина дамингизни олиб тулинг! Ўзлари ҳам чиқиб қоладилар ҳозир,— деди Диловар.

Шу пайт ҳовлидан оёқ товуши эшитилди. Қавушинг фирчиллашидан Диловар қайнонаси эканлигини дарров билди. Ҳуриниса хола кириб келди.

— Вой, айланай, қудамдан, келинг, келинг, қандай шамоллар учирди?— шундай деди-ю, Ҳуриниса хола.

нинг ҳазилкашлик билан айтган гапи огзида қолди. Унинг ҳазили Муножот холанинг баттар асабини қўзғатиб юборганди.

— Сизнинг шамолингиз...— деди кесатиб Муножот хола.— Болага тўйиб қолганларнинг шамоли!

Хуринса хола қудасининг нега бундай деяётганига тушунолмай ҳайрон қаради.

Қудасининг кўпгина кинояларидан тушундики, Диловар Наргисни ўз уйига олиб чиқмоқчи бўлган. «Болам тушмагур-эй, нега бундай қилди-я, бемаслаҳат. Зўр келса Наргисни ҳам олиб бораверардим-ку», деб ўйлади Хуринса хола койиниб. Қайнонаси Диловарга: «Дастурхон ёзинг!» деди.

Диловар қайтиб кирганида, иккала қуда жим ўтиришарди.

Диловар кириши билан Хуринса хола бўшашганича ўрпидан туриб чиқиб кетди. Буни кўрган Диловар ҳафзолатда қолди.

— Бўл, отлан! Енгил-елпи кийимларингни ол, қолгани кейин чиқар,— деди ойиси.

— Нимага?— қотиб қолди Диловар.

— Уйга. Бутунлай олиб чиқиб кетаман.

Диловар қайнонаси билан онасининг ўртасида бирор гап ўтганига ишонди. Юраги увишди.

— Уйда нима қиламан?— зўрға сўради Диловар.

— Нима қилардинг, сени шундоқ оёқ ости қилиб ташлаб қўйсалар ҳам ўтираверасанми?

— Нима қилиб оёқ ости қилишади?

— Кўрмайсанми, мана шу қилгани-да. Юр, тезроқ!

— Йўқ, чиқмайман!

— Бўл, деяман!— Муножот холанинг кўзлари нафрат билан ёнди. Буни кўрган Диловар кўрқиб кетди.

— Уч-тўрт кун чиқиб ўтиргин сен, мени айтганимни қилиб. Ойингни ҳам, эрингни ҳам кўзи очилади,— деди ойиси.

Уч-тўрт кун у ёқда турсин, Диловар бир дақиқа ҳам

чиқишни истамасди. Ойиси ҳадеб бўл-бўл деявергач, ноилож шкафдан ўзининг, Наргиснинг бир-иккита кийимларини олиб, сумкага солди.

— Наргиснинг сўргичини олдингми?— ойисининг ўзи бориб, токчадаги узунчоқ шишани қўлига олди.— Бўла қол.

Қайнонасининг, Хушнуднинг олдида гаранг бўлиб қолган Диловар беихтиёр боласини бағрига босганича Муножот холага эргашди.

— Айланай қуда, бу нима қилганингиз?— остонада Хуриниса хола пайдо бўлди.— Қўйинг, болаларимни бағримдан ситиб олиб кетманг!

— Мана, мен боқадиган бўлсам, бира тўла олиб чиқиб боқаман.

— Диловархон, жон болам,— унинг йўлини тўсди Хуриниса хола.— Сизни шу ниятда келин қилганмидим?

Хушнуд бўлса, водопроводнинг ёнида қотиб турарди. Диловар йиғлаб юборди. Хуриниса хола келиб унинг қўлидан боласини олмоқчи эди, Муножот хола ундан илдамроқ бориб Наргисни қўлига олди-да, Диловарни олдига солиб чиқиб кетди.

— Мен сени олиб чиқиб нима қиламан, содда!— деди йўлда Муножот хола қизига.— Шундай қилсанг, эринг қадрингга етади, дейман-да!

Диловар худди онасп бўйнидан занжир солиб боғлаб кетаётгандай зўрға қадам босарди.

Шу зайил уйга етиб келишди. Унга мана шу сўлим боғ, ўзи туғилиб ўсган мана шу ҳовли бутунлай ётдай туюлди. Бир вақтлар ўзи бскиниб олиб, ҳар хил қўшиқлар куйлайдиган, кечаси билан бошнинг кўтармай китоб ўқийдиган, деворларини, токчаларини юз оҳангга солиб безайдиган дарсхонаси ҳам эътиборини тортмади. Кўрпача устида думалаб ётган қизи Наргисгина бўм-бўш қалбига илиқлик бериб турарди.

Диловарнинг қўли ишга бормади. Уни ташвишлари билан ҳам сеҳрлаб олган, келажакда ҳеч ким эришма-

ган бахт ваъда қилаётган кечаги тотли ҳаёти бугунги кунда бўшлиқдан иборат бўлиб туюлди. У ҳозир ҳеч нарсадан маъно топмас, ўзи ҳам қандайдир заиф одамга айланиб қолгандек туюларди. Қуни кеча қувончларидан ҳам кўра кўпроқ ташвишлари билан маъноли яшашга ундаётган сержилва ҳаёт мана шу ҳовлиларига етганда остонадан ўтмай, тўхтаб қолгандек эди.

Бу ерда у ўзини дунёдаги энг азиз нарсасидан ажраб, танҳолик сўқмогига кириб қолгандек ҳис этди. У гоҳида рўзгор ишларининг кўплигидан бир нафас ҳам дам олишга улгурмайдиган, ўзининг икир-чикир ташвишлари билан ҳам руҳига аллақандай енгиллик, завқшавқ бағишлайдиган хонадонни, меҳрибон қайнонаси Хуриниса холаи қўмсарди.

«Мен-ку, ойимнинг юзларидан ўтолмадим, лскин нега сиз кетма деб турмадингиз,— деб фикран қайнона-сига мурожаат қиларди Диловар.— Ойим-ку жоҳиллик билан иш тутдилар. Мен ўзим-чи? Нега ақл кўзи билан қарамадим бунга...»— дея яна ўзини койиб кетарди.

Диловар учинчи куни қийқириб ётган қизчасини кўтариб, ошхонага кирди. Онаси овқатга уннаётган экан.

— Ойижон, биз кетяпмиз,— деди ҳаяжонли овозда. Диловарнинг бу гапида ҳам узр, ҳам кескинлик бор эди.

— Қаёққа?— онаси талмовсираб қаради.

— Уйга. Наргис бувисига ичикиб қоляпти шекилли.

— Эсинг жойидими? Ростдан айтаяпсанми, шу гапларни?— Муножот холаининг сийраклашиб қолган қошларин асабий чмширилди.

— Ойижон, мен кечирип,— деди дардли овозда Диловар.— Мен ўша хонадонга ўрганиб, уларга боғланиб қолган эканман. Хайр...

Диловар шундай деб эшикни очиб, чиқиб кетди.

— Менга қара,— ночор аҳволда орқасидан югуриб чиққан онаси саросимада деди:— Билиб қўй. Қайтиб орқангдан қизим деб бормайман...

Муножот хола қизининг орқасидан маънос ва га-

ранг қараб қоларкан, кўзларидан ёш сизиб чиқди. Диловар тез-тез юриб узоқлашди. Муножот хола кўз олдида шошилиб кетаётган қизининг орқасидан хомуш қараб қоларкан, ҳайрат ва надомат билан ўйларди: «Диловар у хонадондан мен ҳадя қилган барча нарсалардан устунроқ нима топди экан?!».

Диловар боласини бағрига босганича йўлда шошилиб бораркан, ўйларди. У онасининг фсълени яхши билади. Ҳозир жаҳл устида шундай дегани билан кўп ўтмай барини унутади. Бирор ҳафта ўтсин, жуда бўлмаганда Наргисни соғиндим, деган баҳона билан бир тугунга майда-чуйда тугиб, яна эшикдан кириб боради. Диловар онасининг худди шундай қилишига қаттиқ ишонади. У албатта боради. Ўзи ҳам Хушнуд акаси билан бир-икки кўргани келса, олам гулистон! Онаси уни тушунади. Ахир она-ку! Қим боласига яхшилик қилишни истамайди. У Диловарни, албатта, кечиради...



У доим ишига экспрессда келарди. Автобус ишхоналаридап бир бекат нарида тўхтарди. Баъзан, ишга кечикаётганида орқага қайтиш жуда малол келарди.

У ёшгина шофёр йигит билан таниш бўлиб қолди. Саодатга кўпинча шу ёшгина кўк кўз шофёрнинг автобуси тўғри келар, ишхонасига етганда, тушириб кетар эди. Йигит жуда сипо, кўринишдан «тишининг оқини кўрсатмайдиган» туюлса-да, Саодат «шу ерда тўхтанг», деб илтимос қилганда илдас, бир қараб қўйиб, машинасини тўхтатар эди.

Саодат экспресс Навоий кўчасининг четидан юрган-да жуда чўчирди. Ахир, шундайгина йўл чеккасида ипгичка бетон ариқ бор. Автобус сал қийшайса, тушиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун Саодат ҳамиша экспресс то Ленин проспектига бурилиб олгунча роса хавотирланар эди.

Бир куни Саодатнинг кутгани бўлди. Автобус Ўрдан ўтиб, светофорга яқинлашганда бирдан олдинги гилдираги ариқча тушиб кетди. Машина бир қалқиб тўхтади. Чорраҳадаги қорачадан келган милиционер қиз лапанглаганича етиб келди. Экспресс эшиги ёнида туриб, тушаётганлардан ташвишланиб сўради:

— Ҳеч қаеринглар лат емадимиз?

Хайрият, шофёрдан тартиб ҳамма соппа-соғ эди. Шу кундан бошлаб экспресс йўлини ўзгартирди. У энди кўчанинг ўртасидан тўғрига — «Болалар дунёси» томон ўтиб кетадиган бўлди. Саодат ҳам маршрутининг ўзгартирди. Хадрагача автобусда келиб, у ёнига трамвайда юришни одат қилди.

Бир куни кечқурун Саодат Хадрада, цирк ёнидаги бекатда автобус кутиб турарди. Бир маҳал қаршисида ўша катта олтмиш бешинчи экспресс келиб тўхтади. Рулда ўша кўк кўз, сипо шофёр йигит! Саодатнинг унга кўзи тушди-ю, бир зум шошиб қолди.

«Сўрашсаммикин,— деб ўйлади у.— Автобусда битта-яримта танишлари бўлса-чи? Кўриб қолишса, нима деб ўйлашади?» Саодат яна ўгирилиб, автобусга қаради, йигит ҳамон ундан кўзини узмай, тикилиб турар эди. «Нима қилсаммикин?.. Бор-э, сўрашмайман,— деди у ўзига-ўзи. Қараса қарар. Бари бир, энди унинг автобусига чиқмайман-ку! Биз тарафга юрмаганидан кейин...»

Шофёр йигит унинг саломлашишини кутаётгандек, автобус ҳамон жойидан жилмасди.

Ниҳоят автобус силжиди. Лекин Саодатнинг ёнидан ўтаётганида секинлаб, икки-уч қисқа сигнал берди. Саодат қарамагач, пинддат билан жойидан қўзгалди. Шу-шу улар қайта учрашмади.



Қор туни билан ёғиб чиқди. Эрталаб ҳам тинмади. Қиш чилласи кирганига бир неча кунлар ўтган бўлса-да, қор энди, янги йил кириши олдидан ёға бошлаган эди. Кўчалар тизза бўйи қор билан қопланганди.

Дам олиш кунни бўлгани учун Саида кечроқ уйғонди. Болаларини уйғотиб юборишдан чўчиб, бирор ишга тутилмади. Ваннага кириб, ювиниб чиққач, тўғри балконга ўтди.

— Оҳ, қандай яхши-я!— деб севиниб кетди у қорга кўзи тушиши билан.— Бирам кўп ёғиптики...

Саида командпроткага кетган эрини эслади. «Зора бугун қайтиб келсалар,— деб ўйлади у энтикиб.— Кеч-курун болаларни ҳам олиб, бир айланиб келардик».

Саида балкониинг ромига суяниб, оппоқ қор билан қопланган кўчаларга суқланиб тикилди. Болалигини эслади. Уларнинг ҳовлиси эски шаҳарнинг пастида — Хастимом маҳалласида эди. Ҳовлига тор, жин кўчалардан кириларди. Ўзи жуда кенг бўлмаса-да, атрофи гир айлана болхонали иморатлар билан ўралган мўъжазгина ҳовли эди.

Ана шу ўзи туғилиб ўсган тор ҳовлиларини эслаганда, ҳамиша кўз олдига қиш фасли жонланарди.

Ўша пайтлари қор жуда кўп, қалин ёғарди. Уйларнинг томи ҳадеб қор ёғаверганидан жуда баланд бўлиб, кўпчиб кетарди. Шунда акаси ёғоч курак билан томнинг қорини курашга чиқарди. У акасининг кураган жойларини супуриб турарди. Томдан кураб туширган қорлари ҳовлиларида ҳам, тор кўчаларида ҳам том барабар бўлиб уюларди. Ака-сингил томи кураб бўлишгач,

ўзларинг томдан қор уюми устига отишарди. Кейин ўша уюм тепасини ясси қилиб, сирпанчиқ ясашарди.

Акаси ялтирасин деб, сирпанчиқ устига сув сепарди. Кейин кўчаларидаги ҳамма болалар навбатма-навбат сирпанчиқ учишарди...

«Бугун яхши ёгипти,— деди ўзига-ўзи Саида.— Юрсанг оёғинг тагида куй чалади».

Эшик қўнғироги жиринглади. Саида эшикни очди. Рўпарасида биринчи қаватда яшайдиган Мухлисжон турарди.

— Келинг,— деди Саида қўшнисининг азонлаб чиққанидан ҳайрон бўлиб.— Ичкарига кириг.

— Борамизми?— Мухлисжон ичкарига бир қадам босиб сўради.

— Ҳа...— деди Саида унинг нимага чиққанини эслаб.— Борамиз, фақат бир оз туриб.— У бошини силкиб, ичкарига ишора қилди.— Болалар уйғонишсин. Мен уларга чой-пой берай. Келинг, сиз унгача ўтира туринг,— у қўшнисини залга бошлаб кириб, креслога ўтқазди.— Мен ҳозир...

Саида ошхонага кириб бораркан: «Шуларга ҳам ҳайронман,— деди ғижиниб.— Албатта бировнинг изидан боришади. Қим нима қилса, шуни қилишади. Уялишмайди ҳам...»

У ўзининг ҳаётини кўз олдига келтирди. Йўқ, у бирон марта кимгадир эргашиб иш кўрган эмас. Бировга ялинмаган ҳам. Болалигидапоқ мустақил бўлишга интиларди. Ҳар кимларнинг гапига киравермасди. Бировдан ёрдам ҳам сўрамасди. Бировнинг ёрдамлашишини ҳам истамасди. Нима бўлса «ўзим, ўзим қиламан» дерди.

Бу унинг табиатида кейин ҳам сақланиб қолди.

У оилада ҳам ўзининг феъл атвори билан ака-опаларига сира ўхшамасди. Эсида. Бир куни у мактабларидаги спорт залида осилиб турган узун арқонининг энг тепасига кўтариламан деб йиқилиб тушди.

У авваллари ҳам бу арқондан йиқилб турарди. Аммо, осилишдан қолмасди. Барибир энг тепасига чиқаман деб интилаверарди. Бу сафар ёмон йиқилди. Арқонга тирмаша-тирмаша энг тепасига кўтарилганда қўллари ўз-ўзидан бўшашиб кетди. Зарб билан йиқилди. Шунда бурни кўп қонади. Унга касалхонадаги врачлар қон қуйиш керак дейишди.

Ўшанда дадаси Чирчиққа кетганди. Ўша ерда ишларди. Ойиси эса оғир оёқ эди. Шунда унинг қони биринчи группа эканлиги, оилаларида фақат дадасининг қонигина унинг қонига қуйилиши мумкинлиги маълум бўлди. У ёққа югуриб, бу ёққа югуриб, кимдандир унинг қонига мос қон топиб келиб қуйишди.

У уйига қайтиб келган куни ака-опаларининг айтганлари ҳамон қулогининг остида.

«Бизнинг қонимиз учинчи группа экан,— дейишганди улар.— Бу жуда яхши. Ҳар қандай кишининг қони ҳам қўшилаверади. Керак бўлганда қидириб юришмайди. Аммо сенинг ишинг чатоқ экан...»

«Албатта-да,— севинган эди ўшанда Саида.— Меннинг қонимга ҳар кимларнинг ҳам қони қўшилавермайди...»

— Бўлмаса мен уйга чиқиб тура қолай,— деб олди-га кирди қўшниси,— ўзингиз чиқарсиз.

— Майли...— рози бўлди Саида.— Мухлисжон чиқиб кетди.

Саиданинг қўшнилари билан бу кўп қаватли уйга кўчиб кирганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ эди.

Яқинда уйларини бузишди. Мана шу қатор-қатор коттежларнинг пастига қурилган тўққиз қаватли уйдан жой беришди. Саидаларга юқори қаватдан тегди. Кўчиб келишганига кўп бўлмай, у хоналарини гулдай безаб олди. Коридорига, эшикларига нафис гулли пардалар тутди. Ваннага ихчам полкалар, ошхонага қулай мебеллар топиб келди. Булар хоналарига чирой бериб, фойз киритди. Буни кўрган қўшни аёллар ҳам шундай

қила бошлашди. Айниқса, мана шу Мухлисжоннинг хотини Маликахон кунда кечкурун бирон баҳона билан Саиданинг уйига чиқар, унинг хонасида нимаики янгилик бўлган бўлса, эртасига у ҳам худди шундай қиларди. Мана, яқинда улар бир уста билан гаплашиб, балконга ром, каравот қилдиришган эди. Буни кўрган Мухлисжон билан Маликахоннинг ороми бузилди. Энди улар кунда чиқиб: «Саида, устангизни бизга ҳам топиб беринг»,— деб тинчлик беришмасди.

Уста улардан сал нарироқдаги коттежлардан бирида яшарди. Саида қўшниларига устанинг адресини ёзиб берди. Аммо улар Саида балконида туриб, қатор коттежлар орасидан устанинг уйини кўрсатса ҳам, тополмай адашиб қоламиз, ўзингиз бошлаб боринг, деб туриб олишди. Саида дам олиш куни уларни олиб боришга ваъда берди.

Қўшнисининг овозидан болалар ҳам бирин-кетин уйғониб кетишди. Саида уларни ювинтириб, ошхонага олиб кирди. Стол атрофига ўтқазиб, чой тайёрлади.

Кейин ўзи кийиниб, қўшнисиникига тушди. Беқасам тўнга ўралиб олган Мухлисжон Саидага эргашди. Улар подъезддан чиқишар экан, муздек ҳаво юзларига урилди. Икковлари ҳам эшик олдида бир зум тўхтаб қолишди. Улар уйларининг тўғрисидаги кенг сайхондан ўтиб, коттежларнинг олдида боришлари керак эди.

— Қани, кетдик,— Саида шундай деб тўғрига йўл бошлади.

— Тўхтанг, Саида,— қўшниси унинг биллагидан тутиб, тўхтатди. Ён-атрофдан ниманидир излай бошлади.

— Мана бу ёқдан айланиб ўтамиз.

— Нега?— ҳайрон бўлди Саида.

— Йўлдан борамиз-да! Ахир йўл шундай очилибди-ку!— қўшниси қалин қор устида йўловчилар изидан пайдо бўлган торгина йўлкага ишора қилди.— Ҳайрон бўл-

май юраверинг. Ахир тўғрига йўл йўқ-ку! Қорга ботиб қоламиз.

— Тайёр йўлдан юриб ўрганиб қолгансизда-а. Мухлисжон,— деди Саида.— Нега энди, албатта одамлар очган издан боришимиз керак? Қани юринг!

— Э-э, бўлмайди,— чўчиб тўхтатди уни қўшниси.— Қизиқмисиз ўзи? Қандай ўтиб бўлади бу қордан, ўйла-яшсизми?

— Нимаси бўлмайди,— деди Саида унга юзланиб.— Биров сизни нега бу қорни босиб ўтдинг деб уришади-ми? Ҳа, озгина қорга ботсангиз ботибсиз-да. Нима бўлипти!

— Эй... Мен ўтмайман. Сиз ўтсангиз, ўтаверинг. Мен бу ёқдан айланиб ўтаман...

— Агар қўрқсангиз, менинг изимдан келинг. Мен олдинда сизга йўл очиб бераман,— Саида шундай деб тўғрига, ҳали ҳеч ким босмаган қорни кечиб, йўл бошлади.

У олдинда бораркан, қўшним ботиб қолмасин деб йўлни кенгроқ очиб борарди.

Саида оёқларини остидаги совуқ қорни писанд қилмай, завқ билан бораркан, ўзининг кимларгадир эргашиб яшамаётганидан хурсанд эди.

У қор билан қопланиб ётган кенг сайхонликда ёлғизоёқ йўл очиб, текис асфальтга чиқди. Оёқларини қоқиб орқасига қаради. Ҳў нарида, уйларининг олдида чононига ўралиб олган қўшниси бағрини бекитганча қўншиб турарди.

Саида ҳайрон бўлди.

«Нега турибди у?— деди жаҳлдан чиқиб.— Мен бу ёққа нима учун, ким учун келяпман?»

У орқасига қайтди.

Текис асфальт йўлдан келиб, Мухлисжонга яқинлашди.

— Ҳа, Саидахон, юрар экансиз-ку, сиз ҳам бу йўлдан,— деди қўшниси унга пешвоз чиқиб.

— Юринг, қаёққа?

— Бормайман!— Саида шундай деди-да, қўшнисини айланиб ўтиб, уйига кириб кетди.



Раҳимова Ёкут.

Ғурур. Ҳикоялар. Т. «Ёш
гвардия», 1979. 48 б.

Раҳимова Якут. Гордость.
Рассказы.

ББК 84Ўз7

Ўз 2



МУНДАРИЖА

БОЙЧЕЧАК	3
ЎША АҲМАД	15
СУРАТ	19
ИККИНЧИ ХОНАДОН	30
ИЛИНЖ	39
ЙЎЛ	41

На узбекском языке

Рахимова Якут

ГОРДОСТЬ

Р а с с к а з ы

Издательство «ЕШ ГВАРДИЯ»,
Ташкент — 1979

Редакторлар:

Э. У с м о н о в, Т ў л қ и н.

Рассом

А. О л и м ж о н о в

Расмлар редактори

Қ. А л и е в

Техн. редактор

Л. Б у р к и н а

Корректор

М у ҳ а б б а т О р т и қ о в а

ИБ № 449

Босмахонага берилди 16/IV-1979 й.
Босишга рухсат этилди 27/VI-1979 й.
Формати 70×108¹/₃₂. № 1 босма қо-
ғозга «Литературная» ғарнитурада
юқори босма усулида босилди. Бос-
ма листи 1,5. Шартли босма лис-
ти 2,1. Нашр листи 1,9. Тиражи 15000.
Р—13611. Шартнома № 101—78.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти, Тошкент,
700129. Навоий кўчаси, 30. Ваҳси 15 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси. Тошкент, «Прав-
да Востока» кўчаси, 26. Зак. № 799.